

# TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Баҳоси келишилган нархда

№ 13 (14,168) 2024 ЙИЛ 4 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



@toshkand.uz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz

# ЎЗБЕКИСТОН – 2030

СТРАТЕГИЯСИ

АНОНС



ТОШКЕНТ ШАҲРИГА  
ҲОКИМ ТАЙИНЛАНДИ



ДИҚҚАТ! ПОЙТАХТДА ЯНГИ  
ФИРИБГАРЛИК



ТИМСОЛГА АЙЛАНГАН  
ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР



## ТОШКЕНТ ШАҲРИГА ҲОКИМ ТАЙИНЛАНДИ

Жорий йилнинг 3 апрель куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи этиб келаётган Ш.Умурзаковни ушбу лавозимда тасдиқланди.


Эслатиб ўтамиз, Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 24 март куни Ш.Умурзаковни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлаган эди.

Ўтган давр мобайнида Ш.Умурзаков "Ўзбекистон-2030" стратегиясида ўз ифодасини топган, Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларининг қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, инвестицион бизнес-муҳитни яхшилаш, ва экологик барқарорликка эришишга қаратилган мақсадлар сари собитқадамлик билан бораётган, қаттиққўл ва адолатли раҳбар эканлигини намоён қилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги жамоаси шу вақт давомида биз билан бирга бўлган барча юртдошларимиз, ОАВ вакиллари ва блогерларга ўз миннатдорчилигини билдиради. Ҳокимлик жамоаси аҳоли манфаати йўлида ишлашдан тўхтамайди ҳамда ушбу куч ва саъй-ҳаракатлар яхши ва узоқ муддатли натижаларга олиб келишига ишонади.

## ҲОКИМ ЎРИНБОСАРЛАРИ ТАЙИНЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари тайинланди.



Бугунги кунга қадар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Дурдона Раҳимова ушбу лавозимда фаолиятини давом эттиради. Эслатиб ўтамиз, у 2020-2022-йилларда ҳам шу лавозимда ишлаган, кейин эса ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг ўринбосари бўлган.

Д.Раҳимова меҳнат фаолиятини 2012 йилда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилояти Кенгаши иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар билан ишлаш бўлими мудирининг сифатида бошлаган ҳамда ўтган йиллар давомида қатор масъул вазифаларда муваффақиятли фаолият юритиб келган.

Шахноза Абдувахитовна Султанова Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.



Ш.Султанова 1982-йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2003-йилда Тошкент давлат аграр университетини тамомлаган. Ўтган йиллар давомида ушбу университетда бир қатор масъул лавозимларда ишлаган.

Лавозимга тайинлангунга қадар у Тошкент шаҳридаги Беларус-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти ижрочи директори лавозимида ишлаган.



## МУНОЖАТ ЙЎЛЧИЕВА НОМИДАГИ СТИПЕНДИЯ СОҲИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти томонидан иқтидорли талаба қизлар учун таъсис этилган Ўзбекистон Қаҳрамони Муножат Йўлчиева номидаги стипендия учун танловда "Вокал санъати: (анъанавий хонандалик)" мутахассислиги магистрантлари Феруза Абдукаримова ҳамда Наргиза Бекбоева ғолиб бўлишди.

Маданият вазири, ЎЗММСИ ректори Озодбек Назарбеков институт илмий кенгашининг навбатдаги йиғилишида талабаларга стипендия гувоҳномаларини топширди.

## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВАЗИРИ ВАН СЯОХУН ПОЙТАХТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРИБДИ



Юртимизга Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг аъзоси, Жамоат хавфсизлиги вазири Ван Сяохун бошчилигидаги делегация ташрифи амалга оширилмоқда.

Ташриф жараёнда делегация аъзолари Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Ягона тезкор бошқарув маркази фаолияти билан танишдилар. Меҳмонларга марказда замон талабларига мос равишда яратилган шарт-шароитлар, ахборот-технологиялари соҳасидаги жинойтларни фош этишдаги эксперт-криминалистика имкониятлари ва Марказ фаолияти тўлиқ таништирилди.

Делегация аъзолари Ягона тезкор бошқарув марказидаги «Қалқон» тизими, унга ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, адлия, соғлиқни сақлаш, транспорт, Солиқ қўмитаси каби идораларнинг 55 та электрон базаси интеграция қилинганлигини алоҳида эътироф этишди.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда Пекин шаҳри Жамоат хавфсизлиги департаменти ўртасида ўзаро маълумот алмашиш, Хитойнинг пойтахт полиция департаменти билан ҳамкорлик масалалари муҳокама қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар режалаштириб олинди.

# “Ўзбекистон-2030”

стратегияси:

## АҲОЛИНИ ДАРОМАДЛИ МЕҲНАТ БИЛАН БАНД ҚИЛИШ

*“Ўзбекистон-2030” стратегиясининг 28-мақсадида аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш тизимини такомиллаштириш вазифаси белгиланган. Жорий йил давлат дастурида унинг 2024 йилда бажариладиган йўналишлари алоҳида белгилаб қўйилган. Жумладан, амалдаги йилда аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали ишсиз аҳолини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўз навбатида бандлик органларида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва натижадорлигини ошириш вазифаси қўйилган.*

*Хўш, бугунги кунда ушбу вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишда қандай ёндошувлар кузатиляпти?*



Мавзу юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Олтиной Маъмированынг мулоҳазаларини тақдим этамиз.

- Бугунги кунда бандлик масаласи энг муҳим масалалардан биридир. Чунки, Макроиктисодий кўрсаткичларнинг биттаси ишсизлик даражаси ҳисобланади. Биз аҳолининг бандлигини таъминлай олмас эканмиз, ҳар қандай ижтимоий муаммога барҳам бера олмаймиз. Ҳар битта ижтимоий келиб чиқаётган муаммонинг туб илдизига қарасак, бу аҳоли бандлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам Президентимиз ҳам ҳар битта вилоятга ташрифи бўладими ёки бўлмаса аҳоли билан учрашув ўтказадими, қайсидир вазирлик ва идора билан йиғилишларнинг тағ-замирида бандлик масалалари ётади. Ва бу ўз-ўзидан бизнинг стратегиямизда ўз аксини топмоқда.

Мен ўзим Қонунчилик палатасига депутат бўлиб келишимдан аввал бандлик соҳасида ишлаб, бевосита шунинг ичида яшаганман, десам ҳам бўлади. 2017 йилдан аҳолига бандлик давлат хизмати кўрсатиш соҳаси тубдан ислоҳ қилинди, десак муболаға эмас. Чунки, ўзим янги ишга келган пайтимда фуқаро бир мурожаат билан келадиган бўлса, ўйланиб қолардим, чунки фуқарога ёрдам бериш учун қўлим калталик қиларди. Озгина миқдордаги ишсизлик нафақаси таклиф қила олишим мумкин эди ёки бўлмаса, қанчадан-қанча вакансияларни яшириб ётарди ташкилотлар. Буларни тўғридан-тўғри олиш имконияти чегараланганди. Ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ҳам озгина маблағ ажратилар, уни 2-3 та фуқарога юбориш имконияти бор эди, холос. Ва келган фуқаро биринчидан, бизнинг хизматларимиздан норози бўларди, шу билан бирга давлатдан ҳам норози бўлиб чиқиб кетган ҳолатларнинг гувоҳи бўлганман. Баъзида шу нафақани чиқариб берсангиз, фуқароларимиз шу озгина пул учун бизни шунча овора қилдингизми, деган масалани ҳам кўрсатган.

2017 йилга келиб бошқа-бошқа инструментлар кириб келди. Биринчи ўринда Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари жамғармасини ташкил қилдик. Бу орқали

қанча-қанча фуқароларни вақтинчалик жамоат ишга юбориш орқали уларни ижтимоий ҳимояга олдик. Қанча қийналган фуқаролар кўз олдимда хурсанд бўлиб, ишга бориб пулни ҳар ойда вақтида олиб, ҳаётдан мамнун бўлиб яшаганини кўрдик. Чунки, биз уларни вақтинча бўлса ҳам доимий даромадга эга қилдик-да. Ва бу орқали фуқароларни ишга ўргатиш масаласи бошланди. Янги-янги субсидия турлари киритилди. Мана томорқадан фойдаланиш бўйича, иссиқхоналар куриш бўйича алоҳида субсидия турлари киритилди. Энди бандликни таъминлаш учун иссиқхонани давлат субсидия орқали текинга куриб беради ва фуқаро у ердан даромад олиш учун ўзининг шахсий тадбиркорлик ишини бошлайди. Натижада уйда ўтириб ҳам ўз даромадига эга бўлади.

Мана бугунги кунда Сайхунобод тажрибаси амалга тадбиқ этиляпти. Ушбу тажриба аҳолини банд қилишда энг оқилона тизим, десак тўғри бўлади. Чунки, ўзимиз ҳам бошқа вилоятларга борганимизда жойларда қанчадан-қанча ерлар қаровсиз турганини, қанча-қанча томорқалардан қуруқ ётганини ёки сувлардан самарали фойдаланиб, экин етиштирилмаётганини кўрдик. Бу албатта ачинарли ҳол. Шунча ерларимиз турибди. Лекин бизнинг одамларимиз чет давлатларга кетиб, ишлаб пул топиш ташвишида юрибди. Хитой халқини олайлик, бир қарич ердан ҳам, керак бўлса кўп қаватли уйларга тупроқ ташиб ҳам даромад олади. Нега биз тайёр ердан даромад олишни йўлга қўйишимиз шунчалик қийин, деган масала доим мени ўйлантириб келган. Чунки, ўзим Андижон вилоятидан сайланганман. Бизни вилоятда томорқадан фойдаланиш бошқа ҳудудларга нисбатан анча самаралироқ. Лекин, жуда намунали деб ҳам бўлмайди. Чунки, бизда аҳоли зич жойлашган, яшаш учун кураш кучлироқ, шунинг учун ҳам аҳоли ҳамма ресурслардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Аммо, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё тарафларга борадиган бўлсак, қанча-қанча ерлар самарасиз турганини кўрамиз. Бундан ташқари, бизнинг ҳали адирликда ётган ерларимиз бор. Уларга сув чиқариб қанча даромад олишимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Сайхунободда ўтказган йиғилишидан кейин кўнглим шундай таскин

топдики, ҳақиқатан ҳам бу маҳорат дарси бўлди. На sanoati, на инфратузилмаси ривожланмаган, аммо аҳоли хонадонлари 20 сотихдан ортиқ томорқага эга бўлган 26 та тумандан биттаси экан. Ва томорқадан самарали даромад олиш бўйича Президентимиз шу 208 та туманда сектор раҳбарлари ва тегишли ташкилотлар иштирокида видеоселектор йиғилиши ўтказди. Йиғилиш давомида ўзининг маслаҳати, маҳорат дарси билан қандай қилиб аҳолимизни томорқадан ойига икки миллион даромад олишга эриштира оламиз, деган масалани кўндаланг қўйди ва ҳақиқатан ҳам жуда яхши тажрибани айтиб ўтди. Ҳар битта маҳаллага мотокльтиваторлар олиб бериш ёки бўлмаса, ҳар битта маҳаллада ихтисослашув асосида экинлар етиштириш масаласи, яна етиштирилаётган маҳсулотни йиғиш, сақлаш ва уларни экспорт қилиш масалалари ҳам Сайхунободдаги тажрибада айтиб ўтилди. Бу эса бошқа туманларга ҳам мисол бўлиши керак ва бошқа ҳудуд мутасаддилари ҳам ушбу тажрибадан фойдаланиши шарт. Бу ишсизликни бартараф этишдаги энг катта ечимлардан бири.

Президентимиз таъкидлаганидек, аҳолига ўргатиши керак. Чунки, битта фуқаро бир нарсани ўрганиб, уни тажриба қилиши учун анча йиллар керак бўлади. Шунинг учун ҳам оқимларга алоҳида вазифа юклатилдики, ҳоким-банк-фуқаро ўртасида битта шартнома тузиш, яъни бир-иккита фуқарода қайсидир йўналиш бўйича ўргатиб, тажриба орттириш ва уни бутун бир маҳалла тизимига жорий қилиш. Агар битта маҳаллада ихтисослашув асосида маҳсулот етиштириладиган ёки хизматлар кўрсатиладиган бўлса, унинг харидори ҳам осон келади. Сабаби, битта жойга келиб, кўп маҳсулот олиб кетиш имконияти пайдо бўлади. Ва экспортёрларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам кўрилдики, шу маҳаллалардаги етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилган тадбиркорларимизга субсидиялар ажратиш масаласи ҳам эътироф этилди. Ижро ҳокимиятининг бу борадаги масъулияти шундан иборат бўлиши керакки, фуқароларимизга бундан тўғри тушунтира олиш, уларнинг биринчи ўринда онгига шу масалани етказиб беришдир. Шу билан бирга уларга яқиндан ёрдам бериши ҳам шарт.

**Ш. АБЗАЛОВА тайёрлади**



# ДИҚҚАТ!

## ПОЙТАХТДА ЯНГИ

# ФИРИБГАРЛИК



**Сўнги кунларда фирибгарликнинг янги тури авж олаётганлиги ҳақидаги хабарлар ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама бўлмоқда.**

Жиноятчилар инсонлар ишончига кириш, улардан алдов йўли билан пул маблағларини ўзлаштириш мақсадида қинғир ишнинг турли йўлларини қўлламоқда. Айниқса, бу ҳолат пойтахт Тошкент шаҳрида кўп мартаба содир бўлмоқда.

Жиноятчиларнинг сценарийси қуйидагича: Жабрланувчиларнинг яшаш манзилидаги уй телефонига номаълум шахс кўнғироқ қилиб, бақириб йиғлаган овозда “она, мен йўл транспорт ҳодисасига учрадим, авария менинг айбим билан содир бўлди, жабрланувчи оғир аҳволда, уни зудлик билан операция қилиш керак, мени қамаб қўйишмоқчи” деган мазмунда гапирди. Сўнг гўшакни бошқа шахс олиб, ўзини терговчи деб таништиради ва яқин қариндоши, яъни қизи ёки невараси йўл транспорт ҳодисаси сабабчиси бўлганлигини, ҳозирда жиноят иши қўғатиш ва қамоққа олиш чоралари кўрилатганлигини айтиб қўрқитади. Буни эшитган жабрланувчи саросимага тушганлигидан фойдаланиб, телефонда гаплашаётган шахс жиноят ишини кўзғатмаслик мақсадида гўёки йўл транспорт ҳодисаси жабрланувчиси билан келишиш учун пул бериш кераклигини айтишади. Сўнг жиноий гуруҳ аъзоларидан бирини, жабрланувчининг уйига юборишади.

Телефонда гаплашиб турган шахс жабрланувчидан гўшакни қўймасликни талаб қилишади. Ўзини

терговчи деб таништирган шахс жабрланувчининг уяли телефон рақамини ўзидан сўраб билиб олади ва уяли телефон рақамига номаълум рақамдан кўнғироқ қилади. Гўёки терговчи жабрланувчи билан гаплашганда, пулни олиб кетиш учун бир одамни юборишини айтади ва жабрланувчидан уй манзилини аниқ сўраб билиб олади. Сўнг курьер етиб келгунча вақтни чўзади.

Жумладан, жабрланувчига телефон орқали ариза ёздиришади, яъни гўёки ИТХ натижасида жабр кўрган шахсга етказилган зарарни ундириш учун шахсан ўзи масъул эканлигини айтади.

Шунингдек, жабрланувчига қизининг кийими қон бўлиб кетгани учун кийимини алмаштириш учун бирорта кийимни, сочиқ ва чойшабни тайёрлаши кераклигини, буларни барчасини сумкага солиб, пулни энг пастга ўраб солиб қўйиши кераклигини айтади.

Шу ўринда телефон орқали гаплашаётган шахс уйда яна бошқа телефон бор йўқлигини сўрайди ва яна телефон бор бўлса унинг рақамини аниқлаб, унга ўзини тиббиёт ходими деб таништирган шахс кўнғироқ қилади. Бу телефонда гаплашаётган шахс ИТХ қурбони оғир аҳволда эканлигини зудлик билан операция қилиш кераклигини, бунинг учун жуда кўп миқдорда пул кераклигини айтади.

Жабрланувчининг гўёки қизи эса уй телефонига гаплашиб туради. Унинг овози ва гаплари тушунарсиз бўлади, гўшакдаги аёл йўл транспорт ҳодисаси натижасида лаби ёрилганлиги сабабли шундай гапирётганлигини маълум қилади. Шунингдек, ҳозирда шифохонада эканлигини айтади, жабрланувчи ундан қайси шифохонада эканлигини сўраганида вилоят шифохонасида эканлигини айтади.

Шу билан жиноий гуруҳ аъзолари уйдаги барча телефонларни банд қилиб қўйишади.

Бу вақтда курьер етиб келиб, пулларни олиб кетади. Курьер юзини кўрсатмаслик учун тиббий ниқоб, очки ёки парик таққан бўлади. У пулларни олиб кетганидан сўнг ҳам телефонда гаплашаётган жиноятчилар вақтни яна чўзади. Бу вақтда жиноятчилар воқеа жойидан қочиб яширинишга

улгуради.

Эътиборли жиҳати ўзини терговчи деб таништирган шахс русча исм-шариф билан ўзини таништиради ва Тергов қўмитаси терговчиси эканлигини маълум қилади, барча иштирокчилар рус тилида суҳбатлашишади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ахборот хизмати бошлиғи Нилуфар Исаханованинг маълум қилишича, жабрланувчилардан олинган пуллар турли тўлов тизимлари орқали хорижий давлатларга чиқариб юборилган. Бу каби ҳолатлар Россия, Қозоғистон каби давлатларда ҳам кузатилган. Мазкур ҳолатлар юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-модаси “Фирибгарлик” ва 165-моддаси “Товламачилик” аломатлари билан жиноят иши кўзғатилган. Тергов ҳаракати давом этмоқда.

Кўрилган тергов-тезкор ҳаракатлари натижасида Тошкент шаҳар ИИББ томонидан жиноий гуруҳ аъзоларининг бир нечтаси ушланган. Уларнинг 1 нафари Қозоғистон республикаси фуқароси, 2 нафари Қирғизистон фуқароси бўлиб чиқди. Жиноий гуруҳ раҳбарлари эса хориждан туриб, интернет орқали қўшни давлатдаги фуқароларни, шунингдек бизнинг ёшларимизни ушбу жиноий гуруҳга “курьер” сифатида ёллаб, уларни жиноий гуруҳ иштирокчисига айлантarmoқда. Пойтахт аҳолиси ва барча юртдошларимизни содир бўлиши мумкин бўлган фирибгарлик ҳолатининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси қуйидаги эҳтиёт чораларини кўриш кераклигини таъкидлади:

1. Шу каби кўнғироқ бўлганда дарҳол телефонни ўчиринг ва фарзандингизга шахсан ўзингиз кўнғироқ қилиб, бу хабарни текширинг.

2. Агар фарзандингиз телефонни кўтармаса бошқа яқинларингизга кўнғироқ қилиб, хабарни ишончли манбаа орқали текширинг.

3. Агар фарзандингиз ёки бошқа яқинларингиз телефонни кўтармаса 102 рақамига ёки ҳудудий профилактика инспекторига кўнғироқ қилиб, ҳолатни текширинг.

4. Тезкор тиббий хизмат Ўзбекистон Республикасида бепул эканлигини унутманг.

5. Унутманг, терговчи ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳеч қачон сизга телефон қилиб, пул талаб қилмайди ва сиз билан шу мазмунда гаплашмайди.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади

# “ДЕПУТАТЛИК

## ФАОЛИЯТИМ ДАВОМИДА МЕНИ ҚИЙНАБ КЕЛАДИГАН БИР ЖИХАТ БОР...”



*Хабарингиз бор, газетамизнинг деярли барча сонларида депутатлар билан суҳбатимиз сиз азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Бугунги сонимизда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси, партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг Жамоатчилик билан алоқалар ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда ЎзЛиДеП Мирзо Улуғбек туман Кенгашининг депутатлик гуруҳи раҳбари Санжар Кумушев билан суҳбатлашдик.*

– **Биламизки, депутат халқ муаммоларидан бохабар бўлиши шарт. Саволим, муаммоларга ечим топишда юқори ташкилотларга тез-тез мурожаат қилиб турсизми?**

– Дарҳақиқат, халқ билан мулоқот қилишда депутатнинг ўрни беқиёс, боиси сансалорлик ёки бюрократик тўсиқларга учраш натижасида ўз ечимини топа олмаётган муаммолар бўйича ижрочиларга мурожаат қилишдан чарчаган халқ, ўз округи депутатига мурожаат қилишга одатланиб улгурди. Очиғини айтсам, сайловда унга ишонч билдириб, ўз овозини берган сайловчиларнинг муаммоларини ҳал қилишга бел боғлаб, ижронинг масъулларга депутатлик сўрови юбориб, муаммонинг бартараф этилишига эришган депутатдан бахтли инсон бўлмаса керак, менимча. Шу кунга қадар ҳал этилмаган муаммо йўқ, сабаби туман миқёсида ҳал этилиши мумкин бўлмаган барча муаммоларни мен ўзим сайланган округда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидан сайланган депутат, сенатор Шавкат Аюповга мурожаат қилиш орқали биргаликда ҳал этиб келамиз.

– **Айнан қайси муаммолар сизни қийнаган?**

– Депутатлик фаолиятим давомида мени қийнаб келадиган бир жиҳат бор, у ҳам бўлса дахлсизлик ҳуқуқининг ҳудуд бўйича чегараланганлиги. Яъни туман Кенгаши депутати айнан ўзи сайланган туман доирасида дахлсизлик ҳуқуқига эга, бироқ тажриба шуни кўрсатдики, депутат баъзи бир фуқаролар муаммосини атрофлича ўрганиш ва унга ечим топиш мақсадида бошқа туманларга (фуқаро ишхонасига, ўқиш жойига ёки муаммо билан боғлиқ бошқа сабаблар бўйича) боришга ва турли давлат ва нодавлат идоралари раҳбарларига киришга мажбур бўлади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги 706-II-сонли Қонунининг 11-моддасига тегишли ўзгартиш киритиш лозимлиги бўйича Сенат аъзоларига ўз таклифларимни берганман.

– **Депутатлик ва шахсий ишингиз бир-бирига ҳалақит бермайдими?**

– Ҳар бир депутат, депутатлик фаолиятининг илк кунидан шижоат ва ғайрат билан ҳаракат қилиши бор гап. Шунингдек, халқнинг ишончини оқлаш ва унинг муаммоларини ҳал этишда бор куч ва имкониятини сарфлашга киришиши ҳам айна ҳақиқат. Бу эса ўз ўрнида, аввалига шахсий иш фаолиятингизга сал бўлса-да ўз таъсирини кўрсатмай иложи йўқ. Лекин ҳеч қанча вақт ўтмай тўғри тузилган йўл харитаси ҳамда иш режа асосида барчаси ўз изига тушиб кетади ва шахсий иш билан депутатлик фаолияти тизимли равишда ҳамоҳанг ишлай бошлайди. Депутатнинг давлат ишида ишлаши ҳам биров қийинчилик

туғдириши табиий, боиси ишхонадаги йиғилиш ёки бирон мажбурият ва округдаги тадбирларда бир вақтнинг ўзида иштирок этиш имкони бўлмаслиги мумкин. Ўз режасини ўзи белгилайдиган тадбиркор-депутатга эса бундай ҳолатларда анчагина енгил бўлади ва мен ҳам айнан шундай депутатлар қаторига кирман.

– **Депутатликка номзодингизни қўйишга нималар туртки бўлди?**

– Партияга қабул қилинишим ҳам айнан шахсий тадбиркорликни йўлга қўйган кунимдан бошланган. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ғоя ва мақсадлари, ҳар бир инсонни тадбиркор қилиш каби эзгу истаклари менга куч бағишлаб, ушбу ислохотларда мен ҳам албатта иштирок этишим кераклигини англадим. ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши томонидан ташкил этилган барча йиғилишларда фаол иштирок этиб бордим, шахсий билим ва тажрибамдан келиб чиқиб, соҳа ва йўналишларда мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифларни ўртага ташладим ва ўринли таклифларим юқори баҳоланиб, депутатликка номзод бўлишга лойиқ деб топилдим. Депутатлик сайлови ўтказилган округнинг тўртта маҳалласидаги олтита сайлов участкаларининг барчасида ғалаба қозониб, туман Кенгаши депутати этиб сайландим. Ғалабага эришишимнинг асосий сабабларидан бири – мен сайланган округ маҳаллаларидан бирида ўзим туғилиб, ўсиб, ҳозирда ҳам истиқомат қиламан. Шунинг учун йиллар давомида ҳал этилмай келаётган маҳалла муаммоларини ич-ичидан билганлигим, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифларим борлиги ва уларни депутатлик даврида ҳаётга тадбиқ этиб келаётганлигим - менинг асосий ютуғим, деб ҳисоблайман.

– **Сайловчиларингизнинг хонадонига бориб ҳолидан хабар олганмисиз?**

– Номзод бўлиб юрган кезларимданоқ округ таркибига кирувчи менинг маҳалламдан бошқа қолган учта маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг муаммоларини ўрганишни бошлаганман. Ерли аҳолининг маҳалла кўчаларида ва кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларида аҳоли билан учрашувлар ташкил этиб, уларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишганман. Айнан мана шундай учрашувлар натижасида сурункали касаллиги бор, ногирон беморлар рўйхати ҳам шаклланган бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олиш олий мақсадлардан бирига айланган. Ногиронлар куни ва давлат байрамларида маҳалла раисларини ҳам ўзимга ҳамроҳ қилиб, биргаликда касалларни йўқлаш, муҳтожларга имкон қадар зарур озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш каби савобли ишларга ҳомийлик

қилиш анъанага айланиб улгурган десам, асло муболаға бўлмайди. Башарти фуқаролар орасида кўп миқдордаги моддий ёрдамга муҳтож фуқаролар, аниқроғи тиббий муолажа ёки операция талаб қилинаётган фуқаролардан мурожаат келиб тушса, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Ш.Аюпов билан келишиб, халқ қабули ўтказамиз. Амалда ўтказган шундай қабулларимизнинг бирида фуқаролардан тиббий хасталикларини тасдиқловчи ҳужжатларни йиғиб олиб, мутахассисларни жалб қилиш орқали ўрганиб, шаҳар Кенгаши депутатига ажратиладиган маблағ ҳисобидан 57 млн.сўм миқдоридеги ёрдам пулларини банк орқали пластик картага ўтказиб, ўз эгаларига топширганмиз. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳар бир депутати аҳоли муаммоларини ҳал этиш мақсадида 2 млрд сўмдан пул маблағлари ажратилиши белгилаб қўйилганлиги хасталиги бор бўлган шундай фуқароларнинг моддий муаммоларини ҳал қилишда катта ёрдам вазифасини ўташни таъкидлаб ўтиш жоиз.

– **Мамлакатимизда ёшларга яратиб берилётган шарт-шароит ва имкониятлар, уларнинг ўқиши, таълим-тарбия олиши борасида амалга ошириляётган ишлар ҳамда имтиёзлар ҳақида гапириб ўтсангиз.**

– Ёшларга берилётган эътибор – бу келажакка эътибордир. Тан олиб айтиш керакки, мамлакатимизда ёшларга берилётган эътибор дунёнинг бирон мамлакатиде мавжуд эмас. 2024 йил – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш” йили дея номланишини келтиришимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга берилётган юксак эътибор ва яратиб берилётган шарт-шароитлардан: имтиёзли кредитлар ажратилиши, қизларимизнинг магистратура йўналишида бепул таҳсил олишлари учун имкониятлар яратилганлиги, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар маҳалланинг ёшлар етакчиси томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ва шу каби турли имтиёз ва қулайликлар жорий йилда янада жадал суръатларда амалга оширилиши, келажакимиз эгалари бўлмиш ёшларнинг Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган муносиб фарзандлар, ҳар соҳада етакчи, билимдон ва тажрибали кадрлар бўлиб етишиши учун пойдевор вазифасини бажариши шубҳасиздир. Ушбу эзгу мақсадларга эришишда ва яратиб берилётган имкониятлардан унумли фойдаланишда эса ёшларимиздан фақатгина истак ва тиришқоқлик, қунт ва шижоат талаб этилади.

Зафар НАЗАРОВ суҳбатлашди



# ТИМБОЛГА АЙЛАНГАН

## КАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР

**Бугун иқтисодий, сиёсий, тижорий, маданий, технологик соҳаларда етарлича рақобатлар шаклланди. Жумладан, спортда ҳам. Спорт турлари ҳар мамлакатда турлича ривожланган ва машҳурликка эришган.**

Америка Қўшма штатларида американча футбол ва баскетбол машҳур бўлса, Ҳиндистонда крикет, Канада ва Финляндияда хоккей, Мўғулистонда кураш, Янги Зеландияда регби, Венесуеллада бейсбол, Австралияда австралиянча футбол, Жанубий Америка Осиё ва Европанинг аксарият мамлакатларида эса футбол катта машҳурликка эга ва ҳар бир спорт турида ўзига хос қарама-қаршиликлар шаклланди. Жумладан, дунёнинг энг кучли футбол чемпионатларидан бири бўлган Испанияда “Реал Мадрид” ва “Барселона” футбол клублари ўртасидаги рақобатни айтиб ўтиш мумкин. Ушбу клублар ўртасидаги учрашувларда стадион томошабинлар билан тўлади ва бир неча сабабларга кўра футбол ихлосмандлари ҳамда ташкилотчиларнинг диққат марказида бўлади. Биринчидан, “El Clasico” деб аталадиган ушбу ўйин, чипталарнинг сотилиши, кўплаб мамлакатларда жонли тарзда эфирга узатилиши ҳамда рекламаларни жалб қилиш орқали катта даромад келтиради. Бундан ташқари, жаҳон футбол юлдузларининг юқори савиядаги ҳаракатлари, икки жамоа ҳам мамлакатнинг энг узоқ тарихга ва энг кучли таркибга эга клуби эканлиги, икки жамоа қайд этган статистик рақамларнинг яқинлиги ҳам рақобатни кучайтиради. Шунингдек, “Реал” Испания қироллик клуби, “Барселона” эса Испания автоном республикаси ҳисобланган Каталония клуби эканлиги ҳам мухлислар орасида турли маданий ва сиёсий кескинликни юзага келтиради ва учрашув динамикасига ўзгача ҳисса қўшади. Шунингдек, Аргентинанинг 100 йиллик тарихга эга “Бока Хуниорс” ва “Ривер Плейт” клублари ўртасида ҳам катта рақобат мавжуд. Икки клуб мухлислари ҳам рақибни ўлгудек ёмон кўришади ва бир-бирларини аяб ўтиришмайди. Ҳатто 2013 йилда ҳукумат икки жамоа мухлисларига рақиб жамоа стадионига боришни тақиқлаб қўйган эди.

Шимолий Америкада катта қизиқишга эга бўлган баскетбол спорт турида ҳам икки жамоа “Лос-Анджелес Лейкерс” ҳамда “Бостон Селтикс” ўртасидаги рақобат машҳурдир. Ушбу икки жамоа илк бор 1948 йилнинг 9 ноябрида тўқнаш келишган. Жамоалар Миллий Баскетбол Ассоциясида 17 мартабадан жами 34 мартаба чемпионликни қўлга киритган ва бу натижа жами 76 чемпионликнинг 45 фоизини ташкил қилади.

Америкада машҳур яна бир спорт тури бу американча футбол. Кўпчилик бу спорт турини томоша қилган ва баққуват жуссали спортчилар қовунсимон тўп учун бир-бирларини аяшмаётганига гувоҳ бўлган. Америкада “Чикаго Беарс” ва “Грин-Бей Пекерс” ушбу спорт туридаги икки энг машҳур ва энг рақобатдош жамоалар ҳисобланади. Жамоалар ўртасидаги 208 беллашувнинг 106 тасида “Грин-Бей Пекерс”, 95 тасида “Чикаго Беарс” ғалаба қозонган. Олти бор дурранг қайд этилган.

Ҳиндистон ва Покистон спортчилари ўртасидаги беллашувларни ўз ичига олган ҳар қандай спорт мусобақаси дунёдаги энг қизғин спорт рақобатлари қаторига киради. 1947 йилда Британия томонидан Ҳиндистоннинг Ҳиндистон ва Покистонга бўлиниши, Ҳинд-Покистон урушлари ва Кашмир можаролари чоғида юзага келган аччиқ дипломатик муносабатлар ва яна бир неча келишмовчиликлар икки давлат ўртасидаги шиддатли спортнинг пайдо бўлишига асос бўлган. Айниқса бу жиҳат, икки мамлакатда кенг ривожланган крикетда кўпроқ намоён бўлади. Ушбу спорт тури беллашувларида майдон 100 минглаб томошабинлар билан тўлади. 2019 йилдаги икки жамоа иштирокидаги Жаҳон чемпионати баҳсини телевидение орқали 273 миллион томошабин кўрган.

Якка спорт турлари орасида теннис ўз жозибаси билан бошқалардан ажралиб туради. Ушбу спортдаги энг кучли рақобат испаниялик Рафаел Надал ҳамда сербиялик Новак Джокович ўртасида бўлиб, улар ўзаро 59 мартаба тўқнаш келишган. Ушбу баҳсларнинг 30 тасида Надал устун келган бўлса, қолган 29 баҳсни Джокович ўз фойдасига ҳал қилган. Иккала спортчи ўртасидаги ўйинлар доим шиддатли ва юқори сифатда бўлиб ўтади. Спортчилар ҳамон юқори даражада ўйин курсатаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, икки афсонавий теннисчи ўртасидаги баҳсларга яна гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ўзининг тезкорлиги ва ақли билан танилган Муҳаммад Али боксда анчагина машҳурликка эришиб улгурган эди. Олимпия олтин медали совриндори кучли зарбаси билан танилган Жо Фрейзер оғир вазн тоифасида чемпион бўлишни хоҳлаб қолади. Икки боксчи ўртасидаги тарихий жангга қадар улар ўртасида озгаки тортишув ҳам бор эди. Бу эса ўтказиладиган жангнинг кескинлигини оширди. Шу тариқа, 1971 йилнинг 8 март санасида улар ўртасида “аср жанги” бўлиб ўтди. 15 раунд давом этган жангга ҳакамлар қарорига кўра Фрейзер ғалаба қозонади ва Муҳаммад Али ўзининг илк мағлубиятини қабул қилиб олади. 1973 йилда Фрейзер Жорж Форманга қарши жангга мағлуб бўлди. 1974 йил 28 январда Али ва Фрейзер яна тўқнаш келишди ва бу сафар Алининг кўли баланд келди. Бир йил ўтиб, 1975 йилда Али Форманни накаутга учратиб дунёни ларзага солди. Шу тариқа яна камарга эга бўлган Али ва Фрейзер ўртасида 1975 йил барча даврларнинг энг зўр жанги бўлиб ўтди. Спортчилар ўртасидаги турли тортишув ва гап-сўзлар якуний жангнинг мавқеини оширди. Шиддатли жангнинг 15 раунди бошланишидан олдин Фрейзернинг мураббийи жангни тўхтатишга мажбур бўлди. Унинг иккала кўзи шишиб ёпилиб қолган эди. Бу эпик тўқнашувлар трилогиясининг муносиб якуни бўлди ва уларнинг жанги бокс тарихига энг буюк жанг сифатида муҳрланди.

### Олга Ўзбекистон!

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 26 июлидан 11 августига қадар Франциянинг Париж шаҳрида ёзги Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон делегациясининг айна пайтга келиб Париж-2024 ёзги Олимпия ўйинларига қўлга киритган йўлланмалари сони 26 тага етди. Ҳали кўп спорт турларида лицензион цикл якунлангани йўқ. Ишонимизки, бу рақамлар яқин вақт ичида янада ортиб, делегациямиз ўз тарихида энг кўп лицензиялар билан Франция пойтахтига йўл олади.

### Роналдудан супер натижа

2 апрель куни Саудия Про лигасининг 26 турдан ўрин олган “Абха” ва “Ан Наср” жамоалари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Криштиану Роналду тўп сураётган “Ан Наср” жамоаси 8:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Эътиборлиси бир тур аввал ҳам учта гол уриб хет-трик қайд этган Роналду бу ўйинда ҳам учта (иккита жаримадан) гол уришга муваффақ бўлди. Шу тариқа, футболчининг хет-триклари 65 тага етди ва 2015 йилдан кейин биринчи бор қаторасига икки ўйинда ушбу натижани қайд этди. Шунингдек, 2011 йилдан сўнг илк бор бир ўйинда икки марта жаримадан гол урди. Унинг жаримадан урган голлари 63 тага етди, Мессидан — 65та.

### “Реал Мадрид” ва “Ан Наср”

Футбол ишқибозлари учун яна бир янгилик Испаниянинг “Реал Мадрид” жамоаси янгиланган “Сантьяго Бернабеу”да Саудия Арабистонининг “Ан Наср” клуби билан ўртоқлик ўйини ўтказиш борасида келишувга эришган. Ўйин Мадрид клубининг афсонаси Криштиану Роналдунинг иштироки билан аҳамиятлидир. Эътиборлиси, айна дамда Саудияда тўп сураётган Роналду ҳар икки жамоада бир бўлимдан ҳаракат қилиши айтилмоқда. Бунақаси футболда камдан кам учрайди. Учрашув 2024 йил охири ёки 2025 йил бошларида бўлиб ўтиши кутилмоқда.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ ҒОЯВИЙ АСОС СИФАТИДА



Ватанпарварлик тарбия ғояси ҳар қандай давлат тарихидаги асосий позициялардан биридир. Тарихий фактлар шуни кўрсатадики, ватанпарварлик мамлакат тарихидаги муҳим бурилишлар даврида, жамиятни ўзгартиришнинг объектив тенденциялари фуқароларнинг жисмоний ва маънавий кучини ошириш билан бирга бўлган даврда ўз ўрни ва алоҳида ўрин эгаллайди. Биринчи навбатда, урушлар, инқилоблар ва табиий офатлар пайтида. Ушбу мақолада институт таълимига ватанпарварлик тарбияси тизимини жорий этиш зарурлиги ҳақида сўз боради.

Ватанпарвар – бу ўз Ватанини севадиган, ўз халқига садоқатли ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қодир инсондир. Ватанпарварлик давлатчилик ва халқларнинг мавжудлиги ва ривожланишининг асосини боғловчи ижтимоий ҳодисадир. Агар биз ватанпарварликни жамоатчилик онгининг муҳим таркибий қисми сифатида қадрламайдиган бўлсак, бу давлат ва жамият тараққиётининг маънавий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий асосларининг заифлашишига олиб келади. Бу замонавий ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг аҳамияти ва устуворлигини белгилайди.

Тошкент кимё - технология институти жамоаси ҳам ўз талабаларини юртпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича бир неча маънавий-маърифий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, «Спорт клуби» қошида спорт тўғрисида, «Талабалар оқшоми», «Student fest», «Давронларнинг зўрисан», «Интеллектуал олимпиада», «Лидер ёшлар», «Келажак ёшлари» ижод жамияти, Талабалар театр студиялари, ҚВЗ жамоалари, Китобхонлик клублари, «Қалқон жамоаси», «Тенгдош билан гулхан атрофида» ва бошқа волонтерлик ҳаракатлари лойиҳалари, «Давра суҳбатлари», «Энг китобхон талаба», Заковат клублари фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу ижод жамиятлари ва лойиҳаларда 8 мингга яқин талабалар иштироки таъминланиб келинмоқда.

Лойиҳаларда ўтмишдаги буюк аجدодларимизни Ватанга бўлган садоқатлари, мардликлари ва давлатчилик бўйича амалга оширишган хизматлари ҳақида туркум давра суҳбатлари, викториналар мунтазам ўтказиб келинади.

Мисол учун, замонавий ёшлар учун «ватанпарварлик» тушунчасининг мазмуни бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари қизиқ: респондентларнинг 66 фоизи ватанпарварликни Ватанга муҳаббат деб тушунади; Респондентларнинг 16 фоизи бу тушунчада Ватанга нисбатан ҳиссий муносабат ёки боғлиқлик ва бурч туйғусини акс эттиради, деб ҳисоблайди. Ёшлар ҳарбий арбобларни, ўтмиш ва ҳозирги даврнинг сиёсий арбобларини (сўровда қатнашганларнинг қарийб 25 фоизи), озошлик қаҳрамонларини (18 фоиз), олимлар ва санъаткорларни (15 фоиз) ҳақиқий ватанпарвар сифатида кўради. Аксарият ёшлар ўз аجدодлари меҳнатлари муҳимлигини тушуниб, уларни такрорлашга тайёр. Сўров маълумотлари шуни кўрсатадики, талаба ёшларда фуқаролик бурчи ва ватанпарварлик туйғуси мавжуд бўлиб, бу оптимизмни илҳомлантirmайди.

Ватанпарварлик тарбияси жараёни куйидаги хусусиятлар билан тавсифланиши керак: тизимли; режалаштириш; доимийлик. Ватанпарварлик тарбияси ёшларда юксак ватанпарварлик онгини шакллантирадиган тизимли ва мақсадли ҳаракатларни ифодаловчи умумтаълим жараёнининг бир қисмидир. Институтда ёшларнинг маънавий тарбия тизими талабаларнинг ватанпарварлик фаолиятига тайёрлигида намоён бўладиган, фаол фуқаролик бурчи, Ватан тақдирини дахлдорлик муносабати билан ажралиб турадиган ҳаётий позициясини мақсадли шакллантиришга асосланиши керак. Олий таълим муассасаларида ватанпарварлик туйғуларини синдириш тизими ёшларнинг миллатнинг қадриятларига бўлган муносабатини мустақил шакллантириш имконини берадиган таълим жараёни учун шарт-шароитлар яратишга хизмат қилиши керак; давлат ишлари учун масъулият ҳиссини ривожлантириш; мустақил ишлаш ва ўқув жараёнини индивидуаллаштириш кўникмаларини ривожлантириш.

Ватанпарварлик тарбияси тизимининг энг муҳим таркибий қисми бу оммавий ватанпарварлик ишлари бўлиб, у доимий равишда давлат ва шаҳар органлари томонидан оммавий ахборот воситалари, шунингдек, илмий-ижодий уюшмалар, таълим муассасалари вакиллари фаол иштирокида ташкил этилади ва амалга оширилади.

Шу ўринда ёшларда Ватан тақдирини нисбатан жонқуярлик, фидоилик ҳиссиётини тарбиялаш, масъулиятини шакллантириш бугуннинг долзарб вазифаси эканлигини айтиб ўтиш лозим. Шу ўринда ёшларимиз мамлакатимизнинг тарихий-маданий маконини ривожлантиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиши ва қўллаб-қувватлаши зарур. Ёшларда аниқ, онгли фуқаролик позициясини шакллантириш бу зарур ислохотлардан.

Уқувчиларда ватанпарварлик онгини ривожлантириш жараёнида таълим мазмуни муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, миллий тарихни ўрганиш мамлакат халқларининг бой ватанпарварлик ва байналмилал аънавалари билан таништиради, шунингдек, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш мақсадларини очиб беради, фуқаролик ташаббусини ривожлантириш учун шароит яратади.

Олий ўқув юртида ватанпарварлик тарбиясининг ғоявий асосини жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари ташкил этади. Ватанпарварликнинг моҳияти маънавий-ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, инсонпарварлик ва миллий кўринишлар билан боғлиқ.

Шу ўринда маънавиятчилар, нуронийлар ва фахрийлар билан учрашувлар ўтказиш; она юрт тарихидаги унутилмас саналарга бағишланган музей ва китоб курғазмаларини ташкил этиш; ҳарбий-ватанпарварлик ва ҳарбий-тарихий клубларни ташкил этиш; ҳарбий спорт ўйинларини ўтказиш; таълим муассасаларида кўнгилчилар ва талабалар жамоалари фаолияти; ижодий кечалар, ҳарбий-ватанпарварлик концертлари каби тадбирлар ёшларни юртга муҳаббатини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўналишларини муваффақиятли амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари, фан ва таълим муассасалари, ижодий уюшмалар, ёшлар, фахрийлар, жамоат ва диний ташкилотларнинг биргаликдаги саъйи-ҳаракатларига асосланади. Бу саъйи-ҳаракатларнинг барчаси ягона давлат сиёсатини ҳисобга олган ҳолда ватанпарварлик тарбияси муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради.

**Тошкент кимё технология институти ректори  
техника фанлари доктори профессор  
Б.УСМОНОВ**

# Яқунланаётган рамазон:

## Фидя, закот ва эҳсон



**Бир зумда муборак Рамазон ойининг учдан икки қисми ортда қолди. Бироқ, унинг шуқуҳи ҳамон сезилиб турибди.**

Кечалари таровеҳ номози ўқилиб, масжидларда Қуръон тиловатининг овози тинмаяпти. Мана шу ойда “чекишни ташладим”, “сўқинишни ташладим”, “эрта туриб эрта иш бошлашга кўникдим” деган гапларни ҳам тез-тез эшитмоқдамиз. Кўчаларда “рўзамисиз” дея сув ва хурмо улашаётган одамлар кўнгилларга хуш ёқади. Хуллас, жуда кўпчилик мана шу ойда кичик бўлса-да эҳсон қилиш, савобга эга бўлиб қолиш пайида! Шу ўринда, садақани кимга бериш керак, эҳсон нима-ю садақа нима, фидя кимлар учун каби саволлар туғилади. Айнан рўзага оид айрим саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази мутахассиси, Имом Бухорий номли Тошкент Ислам институти ўқитувчиси Абдувоҳид Аҳмадалиевга юзландик.

**— Халқ орасида эҳсон, закот, садақа деганда фақат бир нарса тушунилади. Аслида улар орасида фарқ борми?**

— Эҳсон араб тилида яхшилик қилиш маъносида бўлиб, у моддий нарсалар билан чекланмайди. Балки маънавий яхшиликларни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, эҳсон фарз, вожиб, суннат ва нафл ҳамда мубоҳ бўлган яхшиликларнинг барчасига оид умумий сўздир. Аллоҳ таоло ўз каломида: “Албатта Аллоҳ таоло эҳсон қилувчиларни яхши кўради”, деб марҳамат қилган (Оли Имрон сураси, 148-оят).

Закот — Исламнинг беш рукнидан бири бўлиб, шариат фарз қилган амалдир. Закот луғатда “поклаш”, “ўсиш” деган маъноларни англатади. Шаръий истилоҳда эса — “Муайян моллардан маълум қисмини Аллоҳ таоло белгилаб берган муайян тоифа кишиларга мулк қилиб бериш”дир. Закот бериш ҳур, ақлирасо, балоғатга етган, мусулмон, бойлик нисоб (85 гр тилла ёки унинг қиймати) миқдорича маблағга эга ва шу маблағга бир йил тўлган шахслар зиммасига фарз бўлади.

Садақа — бирор нарсани Аллоҳ таоло ризоси учун бериш саналади. Садақа вожиб ва нафлга бўлинади. Яъни закот, ушр, фитр садақаси, фидя кабилар вожиб садақалардир. Ихтиёрий равишда Аллоҳ учун бирор мискинга ёки масжид қурилиши, йўл таъмирлаш, кўприк қуриш ва сув чиқариш каби садақаи жориялар нафл садақалар саналади. Демак, Аллоҳ йўлида қилинган ҳар қандай сарф-харажат садақа дейилаверади. Садақа ва эҳсонни ўзи ва оиласи эҳтиёжидан орттирган ҳар ким ихтиёрий равишда қилиши мумкин.

**— Халқ орасида қарзи бор одам эҳсон қилиши шарт эмас деган гап юради бу қанчалик ҳақиқатга яқин?**

— Ҳа, қарзи бор одам аввало қарзини адо этиши лозим. Унинг зиммасидаги қарзини адо қилиши ўзи учун қилган эҳсон саналади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мўминнинг руҳи то адо этилмагунча, қарзига боғлиқ бўлиб туради”, деганлар. Бошқа ҳадисларда айтилишича, майит хатто шахид бўлса ҳам, қарзи туфайли ўз даражасига эриша олмай туради. Фақат яқинлари унинг қарзини адо этганларидан кейингина шахидларга ваъда қилинган мартабаларга эришади. Бунга далил қуйидаги ҳадисдир: Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳнинг наздида Аллоҳ қайтарган кабира

гуноҳлардан кейинги энг оғир гуноҳ бир кишининг зиммасидаги қарзини узишга нарсаси қолдирмай ўлиб, У Зотга рўбарў бўлишидир”, дедилар”.

**— Халқимизда ҳар бир оила йилда бир-икки маротаба жонлиқ сўйиб яқинларни қақирган ҳолда эҳсон қилади. Бу қанчалик ҳосиятли? Қурбон ҳайитидан бошқа кунлари ҳам жонлиқ сўйиб эҳсон қилиш мумкинми?**

— Динимизда бундай мажбурият йўқ. Албатта қурбон ҳайити кунларида Аллоҳ учун жонлиқ сўйиш бой кишиларга вожиб бўлади. Лекин, бундан ташқари кўй сўйиб, қариндошларни йиғиб эҳсон қилиш ихтиёрий амал бўлиб, имкони бор киши Аллоҳ учун эҳсон қилса, савобга эга бўлади. Лекин бу нарсани урф-одат ёки шаръий мажбурият деб қарамаслик керак. Валлоҳу аълам.

**— Рамазонда эҳсон қилишнинг савоби бошқа ойларга нисбатан даражаси баландми? Яна кўчаларимизда сув ёки хурмо улашиб юрганларга қандай хушxabарлар бор?**

— Салмони Форсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: “Ким Рамазон ойида нафл амаллардан бирини қилса, бошқа ойлarda фарз амални бажаргандек савоби олади. Ким унда бир фарз амални адо этса (бошқа ойлarda) етмишта фарзни адо қилгандек савоб олади”. “Ким у кунда бирор рўзадорга ифторлик қилиб берса, бу унинг гуноҳларига мағфират ва жаҳаннамдан озод бўлишига сабаб бўлади”, — дедилар. Шунда: “Эй, Аллоҳнинг Расули! Ҳаммамиз ҳам рўзадорга берадиган ифторлик топа олмаймиз-ку”, — дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таоло бу савобни рўзадорга бир ютум сут ё бир дона хурмо ё бир қултум сув билан ифторлик қилиб берган кишига ҳам беради, ким рўзадорни тўйдирса, бу унинг гуноҳларига каффорат бўлади ва Аллоҳ таоло уни менинг ҳавзимдан сўрадики, ундан кейин то жаннатга киргунча чанқамайди. Ифторлик қилиб берганга ҳам рўзадорнинг ажридан бирор нарса камайтирилмаган ҳолда, унинг ажрига тенг савоб бўлади. Бу ойнинг аввали раҳмат, ўртаси мағфират, охири жаҳаннамдан озод бўлишдир. Ким Рамазон ойида кўл остидаги (хизматчиси)га енгиллик қилса, Аллоҳ таоло уни мағфират қилади ва уни дўзахдан озод қилади”, — дедилар.

**— Фидя деганда нима тушунилади? У кимларга фарз, кимлар ундан фойдалана олмайди?**

— Шариатимиз икки тоифа кишиларни рўза тутмасликларига рухсат бериб, ўрнига Рамазоннинг ҳар бир куни учун фидя беришга буюрган. Биринчиси, қарилик сабабли умуман рўза тутишга ярамайдиган, кундан-кунга жисмонан заифлашиб бораётган ёши улуг кексалар. Иккинчиси эса, сурункали касал бўлиб, одатда тузалишига умид бўлмаган ва рўза тутиш уларнинг саломатлигига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган беморлар.

**— Бу йилги фидя миқдори қанча ва унинг миқдори нимага асосланган ҳолда тайинланади?**

— Фидя миқдори фитр садақаси билан бир хил бўлиб, рўзадан чиқиш муносабати билан бериладиган садақадир. У рўзадор учун Рамазон ойи давомида айтган беҳуда гап-сўзлари, қилган хато ва камчиликларини ювиш ҳамда камбағал-мискинларга таомланиш имконини бериш мақсадида жорий қилинган. Фитр садақани моли нисобга етган киши бериши вожиб, моли нисобга етмаган киши эса, берса

савоб олади, бермаса гуноҳкор бўлмайди. Шунингдек, ота балоғатга етмаган барча фарзандлари учун беради. Фитр садақасини Рамазон ойи бошлангандан бошлаб, ҳайит намозига чиққунгача берса бўлади. Фитр садақасининг миқдори жорий йилда қуйидагича белгиланди: Буғдойдан 2 кг. 14 000 (ўн тўрт минг) сўм, арпадан 4 кг. 20 000 (йигирма минг) сўм, майиздан 2 кг. 110 000 (бир юз ўн минг) сўм, хурмодан 4 кг. 180 000 (бир юз саксон минг) сўм деб белгиланди (Бу нарх Тошкент шаҳри учун, бошқа вилоятлар ўз бозоридаги нархлар бўйича ҳисоблайди). Ҳар ким ўз имкониятига қараб ушбу тўрт мақсулотнинг хоҳлаган бир туридан фитр садақасини берса кифоя қилади. Фитр садақасини нисоб миқдорича моли бўлган бой кишига, ўзининг ота-онаси, бобо-момосига, ўзининг ўғил-қизларига ва уларнинг фарзандларига, эр-хотин бир-бирига бериши мумкин эмас.

**— Эҳсон ва садақа ҳақида қандай ҳадис ва оятлар бор?**

— Хайр-эҳсон ва садақа қилишда пешқадам ва барча эзгу ишларда имкон қадар кўмакчи ва ҳомий бўлишга ҳаракат қилиш — мусулмоннинг энг гўзал сифатларидан бири ҳисобланади. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида хайр-эҳсоннинг савоби кўплиги ва фазилати улканлиги ҳақида марҳамат қилади. Жумладан, Оли Имрон сурасида шундай деган: Суйган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизгача сира яхшиликка (жаннатга) эриша олмайсизлар. Ниманики эҳсон қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир. Хайр-эҳсоннинг фойдаси нафақат бу дунёда, балки қабр ва қиёматда ҳам борлиги ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам “Албатта садақа ўз эгасини қабр оташидан сақлайди. Садақа қилувчи мўмин Қиёмат куни ўз садақаси соясида туради” деганлар.

**— Садақани кимларга қилган афзал, тиланчилик қилаётган одамларнинг ўзига тўқлигини билсак, бироқ улар Аллоҳ йўлига садақа қилини деётган бўлса уларга пул бериш шарт бўладими?**

— Садақа камбағал муҳтож кишиларга берилади. Уни бойга бериб бўлмайди. Кимларга бериш афзаллиги ҳақида “Фатовойи Оламгирия” китобида шундай жавоб берилган: “Закот ва фитрни беришда энг афзали аввало ака-ука, опа-сингиллар ҳисобланади. Сўнг уларнинг фарзандлари. Улардан кейин амаки-аммалар, сўнг уларнинг фарзандлари. Тоға-холалар ва уларнинг фарзандлари сўнг юқоридагилардан ташқари қариндошлар. Улардан кейин кўшнлар, касбдошлар, кейин ҳамшаҳарлар ёки қишлоқдошлар ҳаққидирлар”. “Баҳрур роиқ” китобида: “Қарзи бор кишига закот бериш фақирга закот беришдан кўра афзалдир”, дейилган. Агар тиланчилик қилаётган кимса ўзига тўқлиги маълум бўлса, ундай кимсага садақа бериб бўлмайди. Бу гуноҳ ишга, яъни тиланчиликка ёрдам беришдир. Зеро, динимиз боқимандалик, дангасалик ва бировга қарам бўлишдан қайтарган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дангасалик, боқимандалик ва тиланчилик каби, инсоннинг шарафини йўқотадиган ишларни қоралаганлар. Жумладан шундай марҳамат қилганлар: “Сизлардан бирингиз (тирикчилик учун) бир боғ ўтин териб, елкасига ортиб юриши, бировдан тиланчилик қилиб, у бериб ёки бермагандан яхшироқдир”. Демак, инсон меҳнати изидан кун кўриши, тирикчилик учун ҳатто ўтин териб сотиши тиланчилик, таъмагирик қилишидан кўра яхшироқдир.

**Миржалол МАҲКАМОВ суҳбатлашди**

<b>TOSHKENT OQSHOMI</b>  МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ	<b>Бош муҳаррир:</b> Севдо НИЁЗОВА	«Toshkent oqshomi»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин	"Niso nashriyot va matbaa uyi" босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани, "Машъал" МФЙ, 1-уй.	2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи 563 Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, коғоз бичими А3	Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди  Тошпириш вақти 00:55 Тошпирилди 05:00 Буюртма -	
	<b>Нашир учун масъул:</b> З. НАЗАРОВ  Телефонлар: Қабулхона (71) 233 61 10 Реклама (71) 233 28 95					